Юзбоева Гулчеҳра Мардоновна
"Термиз" давлат музей - қўриқхонаси
Этнография бўлими илмий ходими

Ўрта Осиёда темирнинг пайдо булиши

Аннотация: Ушбу мақолада Ўрта Осиёда темирнинг пайдо бўлиши хақида сўз боради. Темир даврининг бошланиши Қадимги Бақтрия турмуш-тарзини ўзгариши ҳақида мухтасар сўз юритилади.

Abstract: This article deals with the occurrence of iron in Central Asia. The beginning of the Iron Age is briefly discussed about the changes in the ancient Bactrian way of life.

Калит сўзлар: Темир, Миср, Хеттлар, А.А. Асқаров, В.И. Сарианиди, Эгей, Тутанхамон.

Key words: Iron, Egypt, Hittites, A.A. Askarov, V.I. Sarianides, Aegean, Tutankhamen.

Қадимги одамлар соф темир билан милоддан аввалги III—II мингйилликда танишганлар. Табиатда соф темир метеоритларда учрайди. Лекин метеорит темирдан ишланган буюмларни, металлургия ишлаб чиқаришини кишилик ҳаётига кирита олмаган. Темир ҳақидаги ёзма маълумотлар Миср фиръавнлари Аменхотеп III (милоддан аввалги 1455—1419 йй.) ва Эхнатон (милоддан аввалги 1418—1400 йй.) даврларига тўғри келади. Фиръавн Тутанхамон қабрида темирдан ясалган майда буюмлар учрайди. Уларнинг ҳаммаси ғоят қимматли заргарлик буюмларидир. Дастлабки темир Миср, Икки дарё оралиғи ва Эгей дунёсида аввал зеб-зийнат буюмлари сифатида кашф этилган. Темир бронзадан кўра қаттиқроқ ва ўткирроқ металлдир. У ер юзида (мис ва қалайга нисбатан) кўп топиладиган металл бўлишига қарамай, одамлар уни бошқа металлардан кейин ўзларига хизмат қилдира бошлаганлар. Темир

1530° иссиқликда эрийди; бу ҳароратга эга бўлиш учун янги металлчилик техникаси ишлатилган; ҳамма металлар темирдан кўра хийла паст температурада эрийди. Темирнинг кашф этилиши қадимги техника соҳасида ўзгариш ясаган (рудадан бевосита темир ажра139 тиб олиш, дам бериш техникаси ва қора металлургия ривожланиши содир бўлган ва ҳоказо). Езма манбалар ва археология маълумотлари энг қадимги темир металлургияси Кичик Осиёдаги Хетт подшолиги территориясида милоддан аввалги XIV—XIII асрларда вужудга келганлигидан далолат беради.

Оссурия ва Урарту тупроғида топилган, милоддан аввалги IX—VIII асрларга мансуб темир буюмлари темирчиликнинг ёйилиш географиясини кўрсатади. Милоддан аввалги X—IX асрларда темир металлургияси Эрон ва Ҳиндистонда ҳам кашф этилади.

Қадимги Шарқда темир жуда қимматбаҳо металл ҳисобланган. Темир олтиндан 9-10, кумушдан 35-40, қўрғошиндан 400 марта қиммат бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор[1]. Энг қадимги «Анитти» тексти мил.ав. XIX-XVIII аср воқеликлари ҳақида ҳикоя қилади. Унда Хуррит шаҳридан бўлган Пурусхонди ҳокими ўз вассали Аниттени темир тахтга ўтқазгани ва темирдан ясалган салтанат ҳассасини бергани ифодаланган[2] . Эрон ҳудудидан топилган энг қадимги темир мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмига оиддир. Гиан I тепалигидан топилган темир қилич ва темир пайкон, Сиалк қабристонидан топилган темир қилич ва темир тўғноғич бу фикрнинг исботи ҳисобланади[3]. Ўрта Осиё ҳудудида темирнинг пайдо бўлиш вақти, тарқалиши ҳозирча ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади. В.М. Массон темирнинг пайдо бўлишини мил.ав. I минг йилликнинг бошлари деб ҳисоблайди ва Ўрта

[1] Ширинов Т. 3 Waldbaum J.C. The First Archaeological Appearance of Iron ... - P.75.

[2] Георгадзе Г.Г. «Текст Анитты» и некоторые вопросы ранней истории хеттов // ВДИ. - М.: 1965, 4. –С. 3-17;

[3] Георгадзе Г.Г. Протзводство и применение железа в центральной Анатолии по данным хеттских клинописных текстов // Древний Восток (этнокультурные связи). LXXX, М.:1988. - С. 238-261.

Осиёга темир Эрон ҳудуди орқали тарқалган деб ёзади . Далварзинтепадан топилган темир пичоқ ва шлак асосида Ю.А. Заднепровский мил.ав. X-VIII асрларни илк темир даври, деб аташни таклиф этган [4]. А.А. Асқаров билан В.И. Сарианидининг темирни пайдо бўлиши ҳақидаги фикри айнан ўхшаш. Яъни, Кучук II ва Тилла II даврларини улар илк темир даври деб ҳисоблайдилар[5].

Ўрта Осиёда темирдан ишланган энг қадимги буюмлар 22 та ёдгорликдан топилган ва улар асосан мил.авв. VI–IV асрларга мансуб. Бу ёдгорликларга Туркманистондаги Анов, Ёзтепа, Ўзбекистондаги 39 та Афросиёб, Қизилча, Даратепа, Кўзаликир, Дингилжа, Далварзин кабилар киради.

Ахмонийлар ёзмаларида Урта Осиё халқлар и в а вилоятлари тўғрисида маълумотлар бор. Қадимги грек тарихчилари Гекатей, Геродот ва Ктесий асарлари Урта Осиё халқларининг тарихий ва географик қиёфасини кўрсатиб беради.

Адабиётлар:

1. Ширинов Т. 3 Waldbaum J.C. The First Archaeological Appearance of Iron .
2. Георгадзе Г.Г. «Текст Анитты» и некоторые вопросы ранней истории хеттов // ВДИ. - М.: 1965, 4. –С. 3-17;
3. Георгадзе Г.Г. Протзводство и применение железа в центральной Анатолии по данным хеттских клинописных текстов // Древний Восток (этнокультурные связи). LXXX, М.:1988.
4. Forbes R.J. Metallurgy in Antiquily. - Leiden, 1950.
5. Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о хронологической периодизации

[4] Forbes R.J. Metallurgy in Antiquily. - Leiden, 1950. - P. 443.

[5] Ш., Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о хронологической периодизации ... - С.13-26.